

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgz.uz, info@uzssgz.uz • 2014 йил 31 октябрь • № 43 (1012)

Халқаро анжуман

ОРОЛ МУАММОСИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ МАСАЛАСИ

халқаро ҳамжамият олдида турган
устувор вазифа



Аввал хабар берганимиздек, Президентимиз ташаббуси билан Урганч шаҳрида 28-29 октябрь кунлари “Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Бундан кўзланган асосий мақсад жаҳон ҳамжамияти сай-ҳаракатларини Оролбўйи минтақасида экологик ва ижтимоий-иқтисодий аҳволни яхшилашга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга жалб этиш, ушбу экологик офатнинг салбий оқибатларини камайтириш учун халқаро ҳамкорликни янада ривожлантиришдан иборатдир.

Унда БМТ, ШХТ, Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий баҳолаш халқаро маркази, Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Жаҳон банки, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти, ОПЕК каби 24 нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар, молия институтлари вакиллари, Австрия, Венгрия, Германия, Испания, Хитой, Латвия, Малайзия, АҚШ, Франция, Швейцария, Жанубий Корея, Япония сингари 26 давлатдан экология, иқлим ўзгариши ва сув ресурсларини бошқариш соҳаси олим ва экспертлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси раиси Ислон Каримовнинг халқаро конференция иштирокчиларига табригини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. Азимов ўқиб эшиттирди.

БМТ Бош котиби Пан Ги Мун ўз видеомурожаатида дунёдаги кенг кўламли антропоген ҳалокатлардан бири деб эътироф этилган ва миллионлаб аҳоли ҳамда атроф-муҳитга катта зарар етказиб қолган Оролбўйи минтақасидаги экологик бўҳрон муаммолари муҳокамасига бағишланган ушбу халқаро конференциянинг ўтказиш муҳимлигини таъкидлади. Иштирокчиларга Орол денгизи ҳавзасида юзага кел-

ган мураккаб вазият билан боғлиқ муаммолар ва минтақавий лойиҳаларни амалга ошириш масалаларига бағишланган видеофильм намойиш этилди.

ЮНЕСКО Бош директори Ирина Бокваннинг анжуман қатнашчиларига йўллаган табригини ЮНЕСКО Бош директорининг ўринбосари, Осиё ва Тинч океани мамлакатларидаги илм-фан бўйича минтақавий ваколатхонаси директори Хуберт Гизен ўқиб эшиттирди.

Конференцияда Орол денгизи қуришининг асосий сабабларидан бири собиқ иттифоқ даврида табиий ресурслардан ўйламасдан фойдаланиш оқибати экани қайд этилди. Орол денгизининг Ғарбдан Шарққа эсадиган кучли ҳаво оқими йўлида жойлашгани ва бу азрозолларнинг юқори атмосфера қатламларига кўтарилишига сабаб бўлаётгани атроф-муҳит ифлосланиши оқибатларини янада кучайтирмақда.

Пол БРАНДТ-РОФ,
Иллинойс штати университетининг
соғлиқни сақлаш мактаби
директори (АҚШ):

– Президент Ислон Каримовнинг халқаро конференция иштирокчиларига йўллаган мурожаатида Оролбўйи минтақасида юзага келган оғир вазият чуқур таҳлил қилинган. Ўзбекистон раҳбари бу ердаги аҳолининг генофонди ва саломатлигини сақлаш ва таъминлаш учун шароит яратиш, ижтимоий инфратузилмани, тиббий ва таълим муассасалари тармоғини кенг ривожлантириш зарурлигини алоҳида таъкидлаган. Оролнинг қуриган қисмидан кўтарилаётган миллионлаб тонна туз ва чанг катта ҳудудда тарқалиб, одамлар саломатлигига салбий таъсир кўрсатмақда.

Конференция шу каби муаммоларга

(Давоми 2-бетда).

Конференция

ЎЗБЕКИСТОНДА РАДИОЛОГИЯ ХИЗМАТИ ривожланиш ва тараққиёт йўлида

2014 йилнинг 30-31 октябрь кунлари мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида “Шошилич тиббий ёрдамда нур ташхиси ва интервенцион радиология” мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг шу соҳадаги мутахассислари билан бирга, Хитой, Жанубий Корея, Австрия, Франция, Швейцария, Германия, Италия, Россия, Венгрия, Чехия, Бельгия, Нидерландия каби қатор давлатларнинг ҳам таниқли олим ва шифокорлари иштирок этди.



Анжуманни Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А. Алимов кириш сўзи билан очиб, тиббиёт, хусусан радиология соҳасида олиб борилаётган фаолиятлар, эришилаётган ютуқ ва келгусидаги режалар хусусида тўхталиб ўтди.

Анжуманда жаҳон тиббиёт визуализацияси ва интервенцион радиологиясининг замонавий йўналишлари ҳамда истиқболдаги режалари бўйича маърузалар тақдим этилди. Аслида пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон радиологлари жамияти ва Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази томонидан ўтказилаётган мазкур анжуманда жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатларидан кўплаб нуфузли олим, шифокор ва мутахассисларнинг иштирок этиши мамлакатимиз тиббиёти, хусусан, радиология соҳасига берилган муносиб баҳодир.

Тиббиёт визуализациясининг юқори технологиялик тизимларини, жадал ривожланаётган радиологик, ультратовуш текширувларининг самарали усуллари, диагностика ва даволаш радиологиясининг янги ва истиқболли йўналишлари ҳисобланадиган позитрон эмиссион томография, охириги авлод чиқиқли тезлатгичларини тиббиёт амалиётига татбиқ этиш йўли билан аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш конференциянинг асосий мақсадидир.

Маълумки, истиқлол йилларида юртимизда Президентимизнинг бевосита ташаббуси ва раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида туб ўзгаришлар рўй

берди. Бу янгиланишлар эса, ўз навбатида, халқаро андозалар даражасидаги тиббий хизмат тизимини барпо этиш, ҳар жиҳатдан баркамол авлодни вояга етказиш, халқимизни янада соғломлаштириш йўлида беқиёс имкониятлар яратди.

Хусусан, бугунги кунда юртимизда радиология соҳаси ва бу борадаги илмий ютуқларни халқаро талаблар даражасида юксалтиришга катта аҳамият қаратилаётганлигини алоҳида қайд этиш жоиз. Бугун тўла ишонч билан айтиш мумкинки, соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш Давлат дастури ҳамда унинг узвий ва мантқиқий давоми бўлган қатор ҳуқуқий ҳужжатлар мамлакатимиз тиббиёт тизимини модернизациялаш, сифат жиҳатдан янги, энг юксак талабларга жавоб берадиган бирламчи тиббиёт, республика ва вилоятлар шошилич тиббий ёрдам ва бошқа ўнлаб турли йўналишларга ихтисослаштирилган тиббиёт муассасаларининг мукамал тармоғини яратишда муҳим қадамлардан бири бўлди. Ва ушбу даволаш муассасаларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан тўлиқ жиҳозланганлиги тарихий аҳамиятга эгадир.

Сўнгги ўн йилда даволаш-профилактика муассасаларини модернизация қилиш ва энг замонавий лаборатория, ташхис ва даволаш ускуналари билан жиҳозлашга 750 миллион АҚШ долларидан ортиқ миқдорда бюджет маблағлари йўналтирилди ва имтиёзли кредитлар ҳамда грантлар жалб этилди.

(Давоми 3-бетда).

Халқаро анжуман

ОРОЛ МУАММОСИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ МАСАЛАСИ

халқаро ҳамжамият олдида турган устувор вазифа



умумий майдони 70 минг гектар ва 810 миллион куб метр сизимга эга бошқариладиган муҳандислик сув ҳавзалари бунёд этиш имконини берди. Сўнгги 15 йилда Амударё дельтасидаги 180 минг гектар майдонга сув чиқарилди ва кичик қўллар барпо этилди. Истиқболда ушбу қўллар умумий сув юзаси майдонини 230 минг гектаргача кенгайтириш мўлжалланган.

Орол инқироzi таъсир кўрсатган ҳудудларда 740 минг гектар, денгизнинг қуриган тубида 310 минг гектар майдонда ўрмонзорлар барпо этилди. 1997-2012 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларида замо-



этибор қаратиш ва уларнинг ечимини топишга ёрдам беради. Анжуман иштирокчилари бугунги кунда амалга оширилаётган чора-тадбирларни муҳокама этиш билан бирга келгусидаги ишлар йўналишларини ҳам белгилаб олди. Мазкур халқаро анжуман Оролбўйидаги вазият билан бевосита танишиш, аҳоли саломатлигини мониторинг қилиш, шунингдек, атроф-муҳит ифлосланишининг салбий оқибатларини енгиллаштириш бўйича янги тавсиялар ишлаб чиқиш имконини берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов юксак минбарларда минтақа доирасидан аллақачон чиқиб улгурган Орол фожиаси оқибатларини бартараф этиш бўйича самарали чоралар кўриш муҳимлигини бир неча бор таъкидлаган эди. Хусусан, Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Оролни қутқариш халқаро жамғармасини ташкил этиш ташаббускорларидан бири бўлди. Давлатимиз раҳбари ушбу масалани илк бор 1993 йил 28 сентябрь кунини БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида кўтариб чиққан ва жаҳон ҳамжамияти эътиборини Орол денгизи муаммосига қаратган эди. Бундан ташқари, Президентимиз 2000 йил 8 сентябрь кунини БМТнинг Мингйиллик саммитида БМТнинг Атроф-муҳит бўйича дастури шафелигида Орол денгизи ва Оролбўйи муаммолари бўйича кенгаши ташкил қилиш ташаббусини илгари сурди.

Оролбўйи минтақасидаги

(Давоми. Боши 1-бетда).

экологик аҳволни яхшилаш, экологик бўҳрон оқибатларини юмшатишда мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар муҳим ўрин тутаетир. Табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга соладиган ва табиатни муҳофаза қилиш самарадорлигини оширишга қаратилган қонунлар қабул қилинди. Ўзбекистон ушбу соҳадаги асосий халқаро ҳужжатлар, чунончи, Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро қўлларни ҳимоя қилиш ва улардан фойдаланишга оид конвенцияга қўшилди. Сув ресурслари тақчиллиги ва чўлланниш муаммоларини ҳал этиш, сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш, ерларнинг шўрланиши ва емирилишига қарши курашиш, аҳолининг ичимлик сувидан фойдаланишини яхшилаш, минтақада тобора кучайиб бораётган экологик ва иқлим ўзгаришининг салбий таъсири билан боғлиқ касалликларни даволаш учун зарур инфратузилмани шакллантиришга йўналтирилган кенг кўламли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Мисол учун, "Амударё дельтасида кичик қўллар барпо этиш" лойиҳаси дастлабки босқичининг амалга оширилиши бешта сув чиқариш иншооти, қирғоқни ҳимоя қиладиган 45 километрик дамбалар қуриш,



навий амбулатория-поликлиника муассасалари фойдаланишга топширилди, 5,8 минг ўринга мўлжалланган тиббиёт муассасалари қурилди ва реконструкция қилинди, 840 қишлоқ врачлик пункти фаолият қилмоқда. Қўрилган чоралар самарасида Қорақалпоғистон Республикасида нуқсон билан туғилганлар сони 1997 йилга нисбатан 3,1 баробар, оналар ўлими 2, чақалоқлар ўлими эса 2,4 марта қисқарди.

Шин Ю СЁНГ,
Корея Республикаси халқаро ҳамкорлик агентлигининг лойиҳалар гуруҳи директори:

– Президент Ислоҳ Каримов Оролбўйида юзага келган вазиятни яхшилаш учун комплекс чора-тадбирлар кўриш, Амударё ва Сирдарё сувидан оқилона фойдаланиш зарурлигига жаҳон ҳамжамияти эътиборини қаратиб келаётгани бежиз эмас.

Бугунги конференция Орол денгизи муаммоларини ҳал этишга қаратилган амалий дастур ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш имконини берди. Уларнинг ҳаётга татбиқ этилиши бу ердаги экологик аҳволни яхшилаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қиладди. Ўзбекистон билан Корея Республикаси ўртасида барча соҳалар қатори тиббиёт жабҳасида ҳам кенг ҳамкорлик йўлга қўйилган. Жанубий

Корея Ўзбекистонда болалар миллий шифохонасини қуришда қатнашмоқда. Конференция мобайнида Оролбўйи аҳолиси саломатлигини мустаҳкамлаш борасида ҳам муайян ишлар қилиш фикри туғилди. Яқин келажакда ўзбекистонлик ҳамкорларимиз билан шундай лойиҳалар ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишга аҳд қилдик.

Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан 2008 йили Тошкентда БМТ кўмағида ўтказилган "Орол муаммолари, уларнинг аҳоли генофонди, ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсири ҳамда оқибатларини енгиллаштириш учун халқаро ҳамкорлик чора-тадбирлари" мавзусидаги халқаро конференция Оролбўйидаги экологик аҳволни яхшилашда муҳим роль ўйнади. Мазкур конференцияда ишлаб чиқилган Ҳаракат режаси 2011-2015 йилларда Орол денгизи ҳавзасидаги мамлакатларга ёрдам кўрсатиш бўйича учинчи дастурнинг асосини ташкил қилди.

Ҳишам МАЪРУФ,
Ислоҳ тараққиёт банкининг минтақавий ваколатхонаси раҳбари:

– Ўзбекистон билан 2003 йилдан буён ҳамкорлик қилиб келамиз. Ўзaro ҳамкорликда қиймати 1,8 миллиард АҚШ долларидан зиёд бўлган лойиҳалар, жумладан, Орол инқироzi оқибатларини енгиллаштириш, ерлар унумдорлигини ошириш, сувдан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришга қаратилган ишларни амалга оширдик.

Халқаро анжуманда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, сув захираларидан фойдаланишнинг тежамкор усулларини ишлаб чиқиш, минтақада яшаётган аҳолининг турмуш шароитини янада яхшилаш каби қатор муҳим масалалар муҳокама қилинди. Биз ҳам ушбу эзгу ишларга ҳисса қўшиш, Ўзбекистон билан бу борадаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ниятидамиз.

Анжуман секция мажлисларида экологик оғир ҳудудларда яшаётган аҳолининг генофондини сақлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича қўшимча чоралар кўриш, Оролбўйи аҳолисининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун зарур иқтисодий рабат ва механизмларни жалб этиш, минтақада экотизим ва биохилма-хилликни қайта тиклаш масалалари муҳокама этилди. Халқаро конференциянинг якуний ҳужжати қабул қилинди.

ЎЗА материаллари асосида Намоз ТОЛИПОВ тайёрлади.

Ислоҳот ва жараён

СОҒЛОМ КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Фаргона вилояти кўп тармоқли болалар тиббиёт марказида ёш авлод саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

2014 йилнинг мамлакатимизда Соғлом бола йили, деб эълон қилиниши ва шу асосда махсус Давлат дастури қабул қилинган бу борадаги ишларни янги босқичда давом эттиришга хизмат қилмоқда. Фаргона вилоятида ҳам бу йўналишда кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Ўн саккиз ёшгача бўлган ўғил-қизларга юқори малакали тиббий хизмат кўрсатишга ихтисослашган вилоят кўп тар-

моқли болалар тиббиёт маркази ўтган йили замонавий бинога кўчиб ўтди. Марказ фаолияти кенгайиб, жарроҳлик, реанимация, ортопедия, пульманология, гастроэнтерология, кардиоревматология, неврология бўлимлари қаторига офтальмология ва урология бўлимлари ҳам қўшилди.

– "Соғлом бола йили" Давлат дастурида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, тиббий муассасалар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш асосий вазифа си-

фатида белгиланган, – дейди марказ бош шифокори **А.Абдураizzoқов**. – Жорий йилда марказда янги даволаш корпусининг қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. Бунинг учун 2 миллиард 700 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарф этилмоқда. Германиянинг КФВ банки билан ҳамкорликдаги дастурга асосан марказ энг сўнгги замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланмоқда.

Таърибали тиббиёт ходимлари кўрсатаётган сифатли тиббий хизмат самарасида болалар орасида учрайдиган касалликларни ўз вақтида аниқлаш, даволаш ва

олдини олишга эришилмоқда. Марказда ўтказилаётган анжуман, семинар ва тадбирлар соҳа ходимларининг малака ва таърибларини яхшилашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шифокорлар ташхис қўйиш ва даволаш билан бирга, шаҳар ва туманлардаги бирламчи шифо масканлари, умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасаларида соғлом турмуш тарзи бўйича тарғибот-тушунтириш ишларини олиб бормоқда.

Марказ ташаббуси билан жойларда ташкил этилаётган соғломлаштириш ҳафталикларида энг чекка қишлоқлар ёшлари, кам

таъминланган оилалар фарзандлари, Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилмоқда.

"Соғлом она – соғлом бола" шиори остида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар самарасида болалар ўртасида турли касалликларнинг кескин камайишига эришилмоқда. Буларнинг барчаси ҳаётимизни тубдан ўзгартириб, халқимизда эртанги кунга ишонч туйғусини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

М. СУЛАЙМОНОВ,
(ЎЗА).

Конференция

ЎЗБЕКИСТОНДА
РАДИОЛОГИЯ ХИЗМАТИ

ривожланиш ва тараққиёт йўлида



Ҳозирги кунда Ўзбекистонда тиббий визуализациянинг замонавий технологияларидан кўп кесимли компьютер томография, бир фотонли эмиссион томография, магнит резонанс томография, рақамли рентгенография, ангиография, кўп ўлчамли эхография каби усуллари кенг қўлланилмоқда. Рентгенэндоваскуляр ва интервенцион радиологиянинг замонавий усуллари ривожланмоқда.

Илғор хорижий тиббий радиология марказлари тажрибалари асосида республика ихтисослаштирилган тиббий марказларини бошқаришни такомиллаштириш, ташкил этиш ва меҳнатни рағбатлантиришни, моддий-техник базасини ривожлантиришнинг илғор усулларини татбиқ этиш чоралари амалга оширилмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда бундай технологиялар имкониятидан тўлиқ ва самарали фойдаланилмоқда ҳамда тиббиёт амалиётига диагностиканинг замонавий алгоритмлари татбиқ этилмоқда. Бунинг учун юртимизда барча шартшароитлар ва имкониятлар яратилган. Бу, айниқса, шошилич тиббий ёрдам кўрсатиш жараёнида муҳим аҳамиятга эга. Тиббий радиология ва шошилич ёрдам кўрсатувчи шифокорлар ҳамкорлигида тезкор касаллик муаммоларини ҳал қилишга киришиш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бу борада олиб бориладиган музокаралар анжуман иштирокчиларининг диққат-эътиборида эканлигини таъкидлаш лозим.

Халқаро ҳамкорлик доирасида шифокорларимизни етакчи хорижий тиббиёт марказларида ўқитиш, мамлакатимизда ушбу долзарб йўналишни такомиллаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Ўтказилаётган мазкур конференция дунё тиббиёт фани интеграцияси ва ривожланишига, аҳолига тиббий хизмат қилиши шубҳасиздир.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Миржамол ЗУФАРОВ,
Академик В. Воҳидов
номидаги
Республика
ихтисослаштирилган
хирургия маркази
директори ўринбосари:



– “Шошилич тиббий ёрдамда нур ташхиси ва интервенцион радиология” мавзусида бўлиб ўтаётган илмий-амалий конференция кун тартибига қўйилган масала долзарб аҳамиятга эга. Муҳокама қилинаётган масаладан ҳар бир шифокор ўзига тегишли бўлган янги маълумотларни олганлиги аниқ. Конференцияни ўтказишдан кўзланган мақсад радиология соҳасига кириб келаётган ёш мутахассисларни энг сўнги янгиликлар билан таништириш, шунингдек, юртимизда бу борада эришаётган ютуқларимизни чет эллик меҳмонларга намойиш этишдан иборатдир. Анжуманга таклиф қилинган 50 га яқин чет эллик ҳамкасбларимиз ривожланаётган мамлакат – Ўзбекистоннинг бу борада эришган ютуқларига тан берганини қайд қилдилар. Меҳмонларнинг ихтисослаштирилган тиббий-амалий марказлар фаолияти билан яқиндан танишуви ва берган хулосаларидан буни билиб олдик. Уларнинг Тошкент врачлар малакасини ошириш институти кафедралари фаолияти ўқув-услубий жараёнини кўздан кечирганлиги ва ўз давлатларидаги тажрибалар билан ўртоқлашуви бизда ҳам катта таассурот қолдирди.

Маҳаллий мутахассислар билан бир қаторда чет эллик меҳмонларнинг Ўзбекистонда тўплаган тажрибани мамнуният билан қайд этишларига суҳбатлашиш асносида ғувоқ бўлдик.


Жумладан, австриялик меҳмон Райнер Рейнмюллер куйидагича фикр билдиради:

– Ўзбекистонга мен 1995 йилда келган эдим. Ўшанда бу давлат ўз мустақиллигининг 4 йиллигини нишонлаганини билганман. Ўтган вақт мобайнида бу мамлакатнинг тиббиёт соҳасида эришган ва эришаётган натижаларини кўриб, ҳайратландим. Давлат бюджети маблағлари-



нинг бу йўналишга кўпроқ ажратилаётганлиги ривожланиш жараёнида муҳим омил бўлаётган экан. Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳридаги кўплаб ихтисослаштирилган марказларнинг нур орқали диагностика қилиш, шунга қараб касалликни даволаш чора-тадбирларининг белгиланиши биз чет эллик мутахассисларни лол қолдирди. Ўз мамлакатимизга қайтгач, ҳамкасбларимизга таассуротларимизни сўзлаб бериш ниятидамиз.

Вольфганг СТЕЙНБРИЧ,
тиббиёт фанлари
доктори, профессор
(Швейцария):



– Бугунги бўлиб ўтаётган илмий-амалий конференцияда биз ўзбекистонлик радиологларнинг иш тажрибаси билан танишишга муваффақ бўлдик. Айниқса, ёш мутахассисларнинг ўз тақдимотларини инглиз тилида намойиш этиши бизни ҳайрон қолдирди. Тошкент шаҳридаги ихтисослаштирилган онкология, кардиология ва бошқа марказларнинг касалликни аниқлаш, ташхис қўйишда энг сўнги русумдаги замонавий технологиялардан фойдаланаётганини кўриб, Ўзбекистоннинг тиббиёт соҳасида катта йўналиш ҳисобланган радиология босқичма-босқич ривожланишига ишонч билдирдик.



Жонгмин Жи Ли,
корейлик мутахассис:
– Тошкент шаҳрига илмий-амалий конференция муносабати билан таклиф этилганимдан мамнунман. Шаҳар дунё миқёсидаги йирик шаҳарлар билан



тенглашадиган даражада гўзаллашганини кўриб, очиги завқландим. Пойтахтда тикланган маъмурий-маиший бинолар ора-

сида аҳоли саломатлигини сақлашга хизмат қилувчи катта-катта иншоотларнинг кўзга ташланиб туриши биз чет эллик меҳмонларга шундай хулоса бердики, сизда нафақат тиббий хизматнинг ички муҳити, балки буни амалга ошириш учун яратилган меҳнат шароити ҳам талаб даражасида экан. Албатта, бу мақсадлар учун давлат газнасида жуда катта маблағ оқилона йўналтирилаётгани бизга ҳам маълум. Мен конференция иштирокчиси сифатида Ўзбекистоннинг келажакда тиббиёт ривожланган диёр бўлишига тўлиқ ишонаман. Ва мавзу доирасида келиб чиқиб, юртимизда бу борадаги муваффақиятли ишларнинг амалдаги маҳсулини кўриб, соҳа мутахассисларининг билим ва тажриба кўламлари ва илмий салоҳиятлари юқори эканлигига амин бўлдим.



Кенг аудиторияда ўтказилган бундай анжуман соҳа мутахассисларини эришган ютуқлари ҳамда келгусидаги муҳим режаларини белгилаб олишга асос бўлди, десак янглишмаган бўламиз. Юртимиз мутахассислари ҳамда хорижий мамлакатлардан ташриф буюрган соҳа вакилларининг радиология йўналишидаги ўзаро фикр алмашувлари тиббиёт фани тараққиётининг янада юксалиб бораётганлигидан далолат берди.

Шунингдек, анжуманда мазкур йўналишдаги рентгенэндоваскуляр ва интервенцион радиологиянинг замонавий усулларининг нечоғлик ривожланиб бораётганлигига алоҳида ургу берилди. Бу, албатта, инсон саломатлигини сақлашдек эзгу мақсадларга қаратилган экан, бу борадаги ишлар келажакда янада ўз самарасини бериши шубҳасиз.

Ибодат СОАТОВА.
Суратлар муаллифи Жасур ЖАЛИЛОВ.

Илмий-амалий анжуман

ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИДА
ЎЗАРО ТАЖРИБА АЛМАШУВ

Кўпинча нутқимизда “микроб”, “вирус”, “инфекция” сўзларини ишлатамиз. Бунинг мазмун-моҳияти эса юқумли касалликларга бориб тақалади. Аҳоли ўртасида учрайдиган ва учраши мумкин бўлган юқумли хасталиклар инсоният ҳаётига аввал ҳам, ҳозир ҳам хавф солиб келади. Қадимда бу муаммо табиблар зиммасига тушган бўлса, ҳозирги кунда замонавий тиббиётдаги асосий йўналишлардан бири юқумли касалликлар профилактикаси жуда кенг жараёни қамраб олади.

Жорий йилнинг 28-30 октябрь кунлари Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Вирусология илмий-текшириш институти ҳамкорлигида ўтказилган “Инфекцион касалликлар муаммоси бўйича IV илмий конференция” иштирокчиларининг ана шу масалани муҳокама қилишлари ҳам бежиз эмас.

эмлаш бўйича ахборот берди. Бинобарин, аҳоли ўртасида тиббий маданиятни юксалтириш, шахсий гигиена талабларини кенг жорий этиш юқумли касалликларнинг олдини олишда муҳим жиҳат ҳисобланади.

Конференция ишида АҚШ, Беларусь, Россия (Санкт-Петербург), Қозоғистондан ташриф буюрган етук мутахассисларнинг ўз давлатларида юқумли касалликларнинг олдини олиш,



Мамлакатимизда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш мақсадида давлат санитария назорати тизими яратилган бўлиб, жараёни назорат қилиш ва намунали ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, шаҳар ва туманлар давлат санитария врачлари бошчилик қилиб келаётган 216 та ДСЭНМ томонидан амалга ошириб келинмоқда. Профилактик жараён тизимли ташкил этилишига қарамасдан, аҳоли ўртасида учраётган хасталикларнинг муайян қисми инфекцион касалликлар ҳиссасига тўғри келади.

Конференциянинг ялпи йиғилишида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида юқумли касалликларни даволаш бўйича шуғулланаётган мутахассислар, санитария-эпидемиология жараёнини ташкил қилувчилар билан биргаликда халқаро доирадаги экспертлар иштирок этишди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Л. Тўйчиев амалиётга татбиқ қилинган “Давлат санитария назорати тўғрисида”ги Қонун асосида аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, таълим, тиббиёт, маданият, спорт муассасаларида тозалик-экологикни сақлаш орқали ўсиб келаётган авлод саломатлигини асраш, болаларни турли юқумли касалликларга қарши

ташхис қўйиш ва даволаш жараёни ҳақидаги тақдимотлари Ўзбекистонлик мутахассисларда катта таассурот қолдирди. Ўзга давлатлар тажрибаси билан танишиш маҳаллий мутахассислар билим доирасини кенгайтириб, ўзаро таққослаш, мақбул жиҳатларини ўзлаштириш, бизга тўғри келмайдиган тарафларини эса рад этиш кайфиятини вужудга келтиради.

Холида КАТТАХОНОВА,
Тошкент вилояти, Янгийўл туман тиббиёт бирлашмаси юқумли касалликлар шифокори:

– Конференция ялпи йиғилишида Беларусь, Россиядан келган мутахассисларнинг маърузаларини қизиқиш билан тингладик. Бу маърузаларнинг ҳар бирида юқумли касалликлар билан курашишнинг ўзига хос тажрибалари баён этилган. Ўзбекистон ҳукумати томонидан юқумли касалликларнинг олдини олиш бўйича қилинаётган ишларнинг самараси ўлароқ, кейинги йилларда қизамиқ, кўкйўтал, қоқшол каби касалликлар кескин камайди. Жумладан, мен фаолият кўрсатаётган Янгийўл туманида асосан, вирусли гепатитнинг айрим турлари ва диарея касаллиги мавсумий, яъни баҳор, куз ва ёз ойларида қайд қилинган холос. Халқаро экспертлар томонидан сурункали вирусли гепатитни даволашда қўллаш мумкин бўлган интерферон препаратини қандай қўллаш ҳақида тушунчага эга бўлдик.

Илҳом ЎРИНОВ,
Бухоро вилояти, Олот туман тиббиёт бирлашмаси юқумли касалликлар бўлими шифокори:

– Кенг аудиторияда ўтказилган бундай илмий анжуман доирасида соҳанинг долзарб вазифалари муҳокама этилиб, тажрибали мутахассислар томонидан маърузалар қилинди. Бу борадаги билимларимиз янада ошди десам, муболаға бўлмайди. Дарҳақиқат, туман тиббиёт бирлашмаси раҳбарлари ва мутахассис-шифокорлар томонидан аҳоли орасида диарея, вирусли гепатит, қизамиқ каби касалликларнинг олдини олишга қаратилган кенг қамровли тадбирлар амалга оширилиши натижасида вирусли гепатитнинг А ва Б формалари кескин камайди. Гепатит Ага қарши энг самарали усул унинг вакцинасини қабул қилишдир. Жорий йилнинг июнь, июль ойларидан бошлаб 1,5-14 ёшгача бўлган 1000 нафар болада гепатитнинг А формасига қарши эмлаш тадбирларини ўтказдик. Вакцина пуллик бўлгани учун уни қабул қилиш ихтиёрийдир. Йил охирига қадар яна 1000 нафар бола эмлаш режалаштирилган. Куз ва баҳор ойларида юқумли касалликларнинг кенг тарқалишига қулай муҳит туғилгани боис, туманимиздаги 32 та умумтаълим мактаби ўқувчилари, 7 та мактабгача таълим муассасаси тарбиячилари, оналар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борамиз. Бу қандай амалга оширилади? Биз ўқитувчиларга “Шахсий гигиенага риоя қилинг”, “Юқумли касалликлардан эҳтиёт бўлинг”, “Соғлом турмуш тарзи омиллари” каби мавзуларда тарқатма материаллар бериб борамиз. Педагоглар эса бу мавзуларни диктант ёзириш, ўзаро баҳс-мунозара уюштириш орқали бола онгига сингдирадидилар.

Хусан САФАРОВ,
Республика давлат санитария-эпидемиология маркази бўлим бошлиғи, тиббиёт фанлари номзоди:

– Конференция кун тартибига қўйилган мавзу долзарб характерга эга. Ҳар бир давлатнинг ўзига хос иқлими бўлгани сингари касалликларнинг тарқалиш даражаси ҳам қайд этилади. Биз иштирокчилар конференцияда Россия, АҚШ, Украина, Беларусдан келган мутахассисларнинг электрон шаклдаги тақдими билан танишиш асосида Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимида йўлга қўйилган тажрибаларни таққослаш имкониятига эга бўлдик. Юқумли касалликлар профилактикаси ва даволаш жараёнида қўлга киритилаётган ютуқларимиз кўп, аммо бундан хотиржамликка берилмаслигимиз керак. Ижобий натижага эришиш ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Бизда юқумли касалликларга қарши курашишнинг илмий-назарий ва ҳаётий йўналиши ишлаб чиқилган, яъни **махсус профилактик эмлаш, касаллик манбаи ва юқиш омиллари аниқлаш, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш** ана шу соҳада фаолият кўрсатаётган мутахассислар зиммасига қать-

ий юклатилган. Шунинг учун ҳам кейинги беш йил ичида аҳоли, асосан, болалар ўртасида диарея, вирусли гепатит каби касалликлар билан оғриш 7-8 фоизга камайди. Бугунги конференцияда ўзбекистонлик соҳа мутахассисларининг кўшимча билим ва маълумотларга эга бўлиши иш фаолиятини янада такомиллаштиришлари кенг йўл очади.

Конференция иштирокчилари ялпи мажлисдан сўнг бир нечта йўналишдаги секцияларда мавзуга доир илмий-назарий, ҳаётий таҳлилларга асосланган, услубий характерга эга маъруза лойиҳалари билан танишишга муваффақ бўлдилар. **“Юқумли касалликларни даволаш ва ташхис қўйишдаги янгиликлар”, “Қайтадан пай-**

олган тассуротлари билан ўртоқлашди:

– Юқумли ва паразитар касалликлар ҳомиладор аёлга хавф солган тақдирда қандай оқибатга олиб келишини украиналик мутахассиснинг маърузасидан яна ҳам чуқур билиб олдик. У ўз мамлакатиде TORCH инфекциясига учраган ҳомиладор аёллар патологияси ва у келтирган зарарли оқибатлар таҳлили билан таништирди. Бизда ушбу инфекцияга қарши барча ҳомиладор аёлларнинг эмланиши ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Оналар ва болалар ўлими уч бараварга қисқаргани, соғлом зуриётлар туғилаётгани шундан далолат беради. Инфекцион ва паразитар касалликлар ўз-ўзидан келиб чиқмайди, бунга шароит



до бўлган касалликлар эпидемиологияси, клиникаси ва уларга қарши кураш стратегияси”, “ВИЧ инфекциясининг лаборатор аспектлари: муаммолар ва истиқболдаги режалар”, “Вакцинопрофилактика: янги вакциналарни амалиётга татбиқ қилиш ва самарадорлигини баҳолаш” каби йўналишдаги шўъбаларда 50 га яқин маъруза иштирокчилар ҳукмига ҳавола қилинди. Қайси бир маърузанинг мазмун-моҳиятига назар солманг, замирида инсоният ҳаётига хавф солаётган ва зарар етказиши мумкин бўлган юқумли касалликлар, уларни келтириб чиқарувчи ички ва ташқи омиллари, беморда кечадиган килиник белгилари, унга ташхис қўйиш, даволаш жараёни билан боғлиқ тажриба, кузатув, рақамлар таҳлили, қиёс, хулоса, тактифлар мужассамдир. Хусусан, “Қайтадан пайдо бўлган касалликлар эпидемиологияси, клиникаси ва уларга қарши кураш стратегияси” номли маъруза ҳамда Украина Республикасидан келган мутахассис Н. Васильеванинг “TORCH инфекцияси ва ҳомиладорлик: ультрасонография ва патоморфологик параллеллар” мавзусидаги схематик маърузаси ҳар бир иштирокчининг касбий билимини ошириш билан бирга, фаолиятларида қўллаш оладиган амалиётларга ҳам эга бўлдилар.

Секция йиғилиши иштирокчиларидан бири Бухоро вилояти давлат санитария-эпидемиология назорат маркази бўлим мудири Собира Тожимуротова маърузадан

бўлсагина кўпайиши ва тарқалиши учун имконият яратилади. Секция йиғилишидаги маърузадан ташқари ялпи йиғилишда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларда вирусли гепатит, диарея, қизамиқ касалликларини даволаш, Африка давлатларида кенг тарқалган эбола вирус тўғрисида маълумотларга эга бўлдик.

Дарҳақиқат, кенг доирада ва кўпчилик иштирокидаги бу илмий-амалий анжуманинг Тошкент шаҳрида ўтказилиши бежиз эмас. Ўзбекистонда нафақат юқумли касалликлар, балки соғлиқни сақлаш тизимининг бошқа соҳаларида ҳам эришилаётган ютуқлар дунё миқёсида эътироф этилмоқда. Уч кун давом этган анжуман нафақат ўзбекистонлик шифокорлар, балки Тошкентга ташриф буюрган турли давлатларнинг тадқиқотчи ва мутахассисларига ҳам манзур бўлди, деб айтишимизга асос бор.

Конференция муносабати билан юқумли касалликларда қўллаш мумкин бўлган янги дори-дармон ва медикаментоз воситалари кўргазмасида 15 дан ортиқ маҳаллий ва кўшма фармацевтика корхоналари маҳсулотлари намойиш этилди.

Юқумли касалликлар профилактикаси, диагностикаси ва даволаш жараёнини муҳокама қилишга бағишланган конференция ўз ишига яқун ясаб, келгусидаги режалар хусусида келишиб олинди.

Хулқар КУЗМЕТОВА.
Суратлар муаллифи
Жасур ЖАЛИЛОВ.



Қарор ва ижро

Наманган вилояти

ЭЗГУ МАҚСАД ЙЎЛИДАГИ САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ

Айтиш ўринлики, республика соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ишларнинг туб моҳияти асосан, инсон саломатлиги ва унинг турмуш фаровонлигига қаратилганлиги бежиз эмас. Бугунги кунда мамлакатимизнинг қайси бир тиббиёт муассасасида бўлманг, у ердаги шароит ва имкониятлар бунинг яққол ифодасидир. Куни кеча хизмат сафари билан Наманган вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тасарруфидаги тиббиёт муассасаларида бўлганимизда, бу жараённинг самарали давом этаётганлигига гувоҳ бўлдик.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда «Саломатлик-3» лойиҳаси доирасидаги ишлар ҳам ўзининг муайян натижаларини бериб, халқимизнинг саломатлиги ва тиббиёт ходимларига бўлган ишончини ошириш билан бирга, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатининг кундан-кунга ошиб бораётганлигидан далолатдир. Шу жумладан, Наманган вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тасарруфидаги Мингбулоқ ва Янгиқўрғон туман тиббиёт бирлашмаларида «Саломатлик-3» лойиҳаси доирасидаги фаолиятларга эътибор қаратдик. Ушбу мавзуга ойдинлик киритиш мақсадида «Саломатлик-3» лойиҳаси Наманган вилоят бюроси директори Дилмурод Қодиров ҳамда соҳа мутахассислари билан суҳбатда бўлдик.

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 сентябрдаги «Бутунжаҳон банкининг халқаро ривожлантириш ассоциациясининг молиявий кўмагида соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш «Саломатлик-3» лойиҳасини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1614-сонли Қарорига кўра, Ўзбекистон Республикасида Бутунжаҳон банкининг халқаро ривожлантириш ассоциацияси билан ҳамкорликда «Саломатлик-3» лойиҳаси амалга оширилиб келинмоқда. «Саломатлик-1» ва «Саломатлик-2» лойиҳалари доирасида бирламчи тиббиёт бўғини (ҚВПлар)нинг моддий-техник базаси ривожлантирилган бўлса «Саломатлик-3» лойиҳаси эса туман миқёсида аҳолига кўрсатилаётган стационар хизмат сифатини такомиллаштиришга йўналтирилган.

Лойиҳага кўра, туман тиббиёт бирлашмаларидаги айрим бўлимлар оилавий ҳамда туман кўп тармоқли марказий поликлиникаларини асосан замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, мутахассисларни узлуксиз таълим тизими орқали билим даражасини ошириб бориш, клиник қўлланмалар ишлаб чиқиш ва жорий этиш, шунингдек, тиббий муас-

сасаларда кўрсатилаётган хизмат сифатини баҳолаш кўрсаткичларини ишлаб чиқиш асосий вазифалар ҳисобланади.

Бундан ташқари, лойиҳадан кўзланган яна бир мақсад, Наманган шаҳрида жойлашган оилавий поликлиникаларда умумий амалиёт врачлигини жорий этиш ва уларни жиҳозлаш, тиббиёт муассасаларини аҳоли жон бошига нисбатан молиялаштириш, туман шифохоналари миқёсида шифохоналарни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш, юқумсиз касалликлар профилактикаси, эпидемиологик назоратни



кучайтириш каби вазифаларни амалга оширади. Бунинг баробарида лойиҳанинг муҳим жиҳати тиббиётнинг бирламчи бўғинида ва туман миқёсидаги шифохоналарда кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини янада яхшилашдан иборатдир.

Шу ўринда таъкидлашим муҳими, лойиҳа шартли равишда 4 та компонент ва 5 та подкомпонентларга ажратилади:

1. Соғлиқни сақлашда хизмат сифатини кўтариш:
 - 1.1. Шифохона хизматини ривожлантириш;
 - 1.2. Тиббиётнинг бирламчи бўғинини ривожлантириш;
 - 1.3. Клиник хизматлар сифатини кўтариш.
2. Соғлиқни сақлашни бошқариш ва молиявий ислохотларни мустаҳкамлаш.



Мингбулоқ туман кўп тармоқли марказий поликлиниканинг ташқи кўриниши

ри, молия бошқармаси ходимлари, вилоят кўп тармоқли ҳамда болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари бош врачлари, бошқарма бош мутахассислари иштирокида лойиҳанинг мақсад ва вазифаларига бағишланган тақдимот семинари бўлиб ўтган эди. Мана шу кунга қадар лойиҳа асосида режалаштирилган мақсадли вазифалар амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий йилда вилоят даволаш-профилактика муассасаларига қуйидаги замонавий аппаратуралар ва тиббий асбоб-ускуналар келтирилди.

2014 йил январь ойида вилоятнинг Янгиқўрғон ва Мингбулоқ туманлари «Саломатлик-3» лойиҳаси доирасида Япония давлати «Shimadzu Corporation» компаниясида ишлаб чиқарилган 1 комплект «Flexavision SF» русумли универсал стационар рентген аппарати ва 1 комплект шу компанияда ишлаб чиқарилган RAD Speed MF русумли марказий рентген аппарати билан таъминланди. Мазкур рақамли рентген аппаратлари октябрь ойида белгиланган тиббиёт муассасаларидан ажратилган маҳсус хоналарга ўрнатилди.

Бундан ташқари, ҳар бир туманга рентген плёнкалари, 500 дондан 120 сантиметрли инфузион суяқлик узаттичлар, 3 босқичли улашиш кранлари, 10 дондан штативлар, 4 дондан лаборатория центрифугалари, 1 дондан ультратовушли текширув аппарати (УТД), 1 дондан гемокрит центрифугалари, 3 дондан портатив ЭКГ ап-

паратлари, 4 дондан мониторлар, 8 дондан пульсоксиметр (бемор пульсини ўлчовчи жиҳоз), 1 дондан гастродиброскоп (ФГЭДС) жамланмаси, 1 пачкадан термографик рентген пленкалар келтирилиб, айтиш кунда буларнинг барчаси аҳоли саломатлиги йўлида хизмат қилмоқда.

Мингбулоқ ва Янгиқўрғон туман тиббиёт бирлашмасининг стационар ҳамда туман кўп тармоқли оилавий поликлиникаларига ўрнатилган рақамли рентген аппаратлари ва унинг жамланмалари тез кунларда мутахассислар томонидан программалаштирилиб, ишга туширилади. Энг муҳими, улар меъёрий талаблар даражасида ўрнатилди. Албатта, ишонч билан берилган бундай ноёб аппаратлар ҳамда тиббий асбоб-ускуналардан тўғри ва оқилона фойдаланиш учун тиббиёт ходимларининг ўқув семинарларидаги иштирокини таъминлаш билан бирга, малакасини ошириб келмоқдамиз.

Хулоса шундаки, Юртбошимизнинг соҳага оид чиқараётган Фармон ва Қарорлари замирида инсон саломатлиги ва унинг манфаатлари ётганлигини кўраимиз. Шундай экан, бу каби муҳим ҳужжатларни ижро этиш ҳар биримиздан масъулият талаб этишини унутмаслигимиз керак, – дейди лойиҳа директори Дилмурод Қодиров.

(Давоми 6-бетда).



**Йўлдошали
НАЖМИДДИНОВ,
Наманган вилояти,
Мингбулоқ туман
тиббиёт бирлашмаси
врач-рентгенолог:**

– Ўн етти йилдан буён врач-рентгенолог вазифасида ишлаб келмоқдаман. Соҳамизнинг ўзига хос масъулиятли ва машаққатли томонлари бор. Аввало, рентген аппаратларида бе-

ти билан юртимизнинг ҳар бир шифо масканида замонавий аппаратларнинг сони кўпайиб бораётганлиги халқимиз учун ниҳоятда қулай бўлмоқда. Айниқса, вилоятларнинг чекка туманларида ҳам (кўп тармоқли марказий поликлиника, шифохона) замонавий аппаратларнинг ўрнатилганлиги давлатимизнинг аҳоли саломатлигини сақлашдек ҳамда касалликларнинг олдини олиш-

Мингбулоқ тумани ТИББИЙ ИСЛОҲОТЛАР ЗАМИРИДА ИНСОН САЛОМАТЛИГИ

ционар рентген аппарати ва 1 комплект шу компанияда ишлаб чиқарилган RAD Speed MF русумли туман кўп тармоқли марказий поликлиника учун рақамли рентген аппаратлари ва унинг жамламаси (дигитайзер) берилганлиги, албатта, қувонарли ҳолдир. "Flexavision SF" русумли универсал стационар рентген аппарати махсус рентген хонасига тажрибали мутахассислар томонидан меъёрий қоидалар асосида ўрнатилди. Шунингдек, бошқарув пульта ҳамда дигитайзер жамламалари белгиланган хоналарга жойлаштирилди. Рентген аппарати тез кунларда ишга тушириш арафасида. Ушбу замонавий аппарат хусусида тўхталадиган бўлсам, унинг афзалликлари жуда кўп. Айниқса, плёнкаларининг сифатлиги, бемор рентгенга тушган мурожаат этувчиларнинг касаллик ташхиси уч ой мобайнида, бундан ташқари, 15 мингта суратнинг архивда сақланиши билан бирга, мониторинг хотирасида муҳрланиши бу иш сифатининг нечоғлик муҳимлигини кўрсата олади. Мамлакатимизга бундай қимматбаҳо аппаратлар катта маблағ эвазига кириб келмоқда. Юртимиз раҳбарининг, аввало, инсон саломатлиги, қолаверса, тиббиёт ходимларининг меҳнатига бўлган эътиборида, деб биламан. Бир пайтлар бундай аппаратларни хорижий давлатлар ёки ойна-жаҳонларда кўрар эдик. Бугунги кунда мазкур аппаратларнинг республика шифо масканлари-

дан ўрин олаётганлиги тиббиётимизнинг замон билан ҳамнафас эканлигидан далолат бериб турибди. Мазкур ноёб аппаратда ишлаш учун авваламбор мутахассисдан билим, тажриба ва хушёрлик талаб этилади. Шу жараёнда аппаратдан тўғри ва оқилона фойдаланиш учун берилган кўрсатмалар асосида иш олиб бориш зарур. Бунинг ба-рбариди, бир кун ҳисобида рен-

манизмиздаги врач-рентгенологлар ва врач-лаборантлар жорий йилда Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг тиббий радиология кафедраси ҳамда «Саломатлик-3» лойиҳаси томонидан ташкил этилган ўқув курсларида (Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Андижон вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тасарруфидаги ўқув



морларни текшириш жараёнида касалликни тўғри аниқлаш учун малака ва тажрибага суянган ҳолда талаб даражасидаги меъёрий қоидаларга риоя қилишимиз зарур. Авваллари рентген аппаратларига бўлган эҳтиёж жуда катта эди. Эндиликда эса, мустақиллигимиз шарофа-

га қаратилган эзгу ниятларидан эканлиги барчамизга аён. Мен фаолият юритаётган Мингбулоқ туман тиббиёт бирлашмасига «Саломатлик-3» лойиҳаси томонидан Япония давлати "Shimadzu Corporation" компаниясида ишлаб чиқарилган бир комплект "Flexavision SF" русумли универсал ста-



тген аппаратига туширилиши керак бўлганларни меъёрига қараб (25 нафаргача) текширувдан ўтказишимиз лозим. Чунки аппаратнинг ҳам ўзига хос талаблари борлигини унутмаслигимиз керак. Ана шундагина фаолияти-миз сифатли кечиби, ундан оқилона фойдаланишга эришамиз. Ту-

маркази) иштирок этиб қайтди-лар. Албатта, бу жараёнлар билан кифояланиб қолмаймиз. Муҳим адабиётлар, қолаверса, интернет орқали рентген аппаратини ишлаш тўғрисида янада чуқур маълумотларни олиб, кундалик билимимизни ошириб бораверамиз.

АҲОЛИНИНГ ИШОНЧИ ОРТМОҚДА

**Олимжон МАКСУДОВ,
Наманган вилояти,
Мингбулоқ туман
тиббиёт бирлашмаси
УТД врач:**

– Ўн йилдан буён ультратовуш диагностикаси аппаратида иш олиб бораман. Йилдан-йилга тиббиёт муассасаларимизга турли, замонавий тиббиёт асбоб-ускуналарининг кириб келаётганлиги касалликни эрта аниқлаш, уларнинг олдини олиш, даво муолажаларини сифатли ўтказишда қўл келаётганлиги билан аҳамиятлидир. Фаолиятим жараёнида шу нарсага амин бўлдимки, мамлакатимизга УТД аппаратининг кириб келиши биланок, халқимиз унинг афзалликлари билан тезда англаб олишди. Шу сабабли аҳолининг ушбу аппаратга эҳтиёжи кун сайин ортиб бормоқда. Жорий йилнинг июнь ойида «Саломатлик-3» лойиҳаси



томонидан шифохонамизга тақдим этилган УТД аппаратининг афзаллиги мурожаат этиб келаётган фуқароларнинг саломатлигини чуқур текшириш ҳамда тўғри ташхис қўйишда кенг имкониятга эгаллиги билан ажралиб тура-

ди. Унда 3 хил йўналишда, яъни умумий, вагинал ва доплер текширувлари (жинсий касалликлар, қалқонсимон безлар) асосида олиб борилади. Унинг яна бир жиҳати тасвирлар рангли. Шу жараёнда фуқаро текширув пай-

**Муборак НУРМАТОВА,
Мингбулоқ тумани, Олтинқўл қишлоқ фуқаролар
йигини фуқароси:**

– Шифохонамизга келтирилган янги УТД аппарати соғлигимни текшириш учун келган эдим. Вақти-вақти билан қайт қилиб, елка ва курак соҳаларимда оғриқ пайдо бўла бошлади. Тажрибали УТД шифокори Олимжон Мақсудов аппаратда текшириб кўргач, ўт қопимда тош борлигини аниқлади ва дарҳол уни бартараф этиш учун соҳа мутахассисига мурожаат қилишимни маслаҳат берди. Бундан ташқари, шифохонамиздаги ЭКГ, рентген аппаратларида ҳам тушиб саломатлигимни чуқур текширтдим. Асосийси, ўз вақтида саломатлигимизга эътибор беришимиз муҳимлигини тушуниб етдим. Аввало, соғлигимиз учун меҳнат қилаётган шифокорлар хизматидан жуда миннатдорман.

тида организмдаги аъзолар ҳолатини, ҳомилдорлар эса боланинг ривожланиш жараёнларини бемалол рангли тасвирда кўра олиш имкониятига эга бўладилар. Мазкур УТД аппарати хотираси 2,5 мингга яқин маълумотни ўз ичига қамраб олади. Бу албатта, ижобий ҳолат бўлиб, беморнинг касаллик диаграммасидаги ўзгаришлар кузатиб борилади. Бундан ташқари, бемор қўлига берилган маълумот йўқолиб қолганда, ушбу аппаратда сақланиб қолган ташхислардан фойдаланиш мумкин. Бунинг яна бир афзаллиги – стационарда оғир аҳволда ётган бемор ўз жойида текширувдан ўтказилади.

– Кўп йиллардан буён ўз касбимни севиб, ҳар бир келаётган беморга қўлимдан келганча ёрдамимни беришга астойдил ҳаракат қиламан. Айниқса, УТД аппарати келувчиларнинг сони жуда кўп бўлади. Уларга хушмуомалада бўлиб, касаллик тўғрисидаги маълумотларни холисона етказишга ҳаракат қиламан. Янги

УТД аппаратининг иш бошлагани аҳоли учун янада қулайликлар туғдирмоқда. Нафақат организмдаги аъзолар, балки бошқа касалликларнинг ҳам кўрилатганлиги инсон саломатлигига бўлган эътиборни оширмоқда. Мен яшайдиган ҳудудда қўшниларимнинг аппарат тўғрисидаги фикрларини эшитиб, хурсанд бўламан. Бундан хулоса шуки, текширувдан ўтганлар бир-бирларига аппаратнинг афзаллигини айтганлардан сўнг, саломатликларини назорат қилиш мақсадида шифокор қабулига келадилар.

Шифохонада даволанаётган айрим беморларни ўз жойларида текширишга тўғри келади. Бунинг учун мен бир кун олдин беморни тайёрлайман. Унга бу тўғрида керакли маслаҳатларни бераман. Сўнгра, УЗИ шифокори бемор саломатлигини аппарат орқали текширувдан ўтказди, – дейди УТД ҳамшираси Хуснида Тўхтабешара.

**Каримжон МИРЗАЁҚУБОВ,
Мингбулоқ тумани, Гўртепа қишлоқ фуқаролар
йигини фуқароси:**

– Бир неча йиллардан буён қовуқ йўлида шамоллаш аломатлари бўлиб, даво муолажалари олган эдим. Совуқ ҳаво бошлангач, бел соҳамда яна оғриқ бўла бошлади. Қўшниларимнинг айтишига қараганда туманимизга янги УТД аппарати келганлиги ва у касаллик ташхисини тўғри чиқараётганлигини эшитдим. УТД врач Олимжон ака қабулига келиб, нафақат қовуғим, балки организмимдаги барча аъзоларни текширувдан ўтказдим. Тахлиллар натижасида буйрагим ва қовуғим соҳасида кучли шамоллаш белгилари борлиги аниқланди. Шифокор касалликни ўз вақтида даволаш ва олдини олишга доир тавсиялари ҳамда даво муолажаларини олиш бўйича зарур кўрсатма ва маслаҳатларини берди. Эътиборимни тортган жиҳат шундаки, аппарат бир зумда танадаги дардга тўғри ташхис қўйиб, ўзимизга нисбатан эътиборли бўлишни талаб этар экан. Авваллари бундай имкониятлар фақат шаҳар марказларида, марказий клиникаларда бўлар эди. Бугун эса туманимизда ана шундай тезкор, сифатли аппаратларнинг борлиги Президентимизнинг халқимиз саломатлиги йўлида жон куйдираётганликларидан далолатдир. Биринчи навбатда ўз саломатлигимизга эътибор беришимиз, келажақдаги орзу-умидларимизнинг рўёбга чиқишида, шу билан бирга соғлом бўлсаккина жамиятимиз равангага ўз ҳиссамизни қўшишда катта аҳамиятга эга бўлишини англаб етдим.

(Давоми. Боши 5-бетда).

Янгиқўрғон тумани

БИЛИМ ВА ТАЖРИБА УЙҒУНЛИГИ



Нурилло ОМОНОВ,
Янгиқўрғон тумани:

– Қон босимим ошиб турганлиги сабабли Янгиқўрғон туман кўп тармоқли марказий поликлиникада доимий назоратда тураман. Бу ердаги шарт-шароитлар, тиббиёт ходимларининг муомала маданияти, билими, тажрибаси барчамизни мамнун этмоқда. Шунингдек, туман тиббиёт бирлашмаси ичида бўлимларнинг барчаси бир жойда жамланаётганлиги узоғимизни яқин қилмоқда. Шу билан бирга, муассасадаги ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари яхши йўлга қўйилган бўлиб, инсоннинг бахри-дилини очади. Мен ва оила аъзоларим, қолаверса маҳалла аҳли Янгиқўрғон туман тиббиёт бирлашмасининг фидойи ходимлари меҳнатидан мамнунмиз. Уларни яқинлашиб келаётган касб байрамлари билан чин дилдан қутлаб, масъулиятли, аммо шарафли ишларига омадлар тилаб қоламан.



Малика АБДУАЗИЗОВА,
Наманган вилояти, Янгиқўрғон туман
тиббиёт бирлашмасининг зарарсизлантириш
бўлими ҳамшираси:

– Истиқлол шарофати билан юртимизда тиббиёт соҳасида ҳам катта ўзгаришлар бўлиб, замонавий тиббиёт муассасаларининг барпо этилиши, янги технологияларнинг мавжудлиги, малакали кадрлар билан таъминланиши аҳоли орасида касаллик кўрсаткичлари камайиши билан бирга, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш даражаси ошиб бормоқда. Бундан ташқари, республикамизнинг чекка ҳудудларидаги туман тиббиёт бирлашмалари, қишлоқ врачлик пунктларининг ҳам бугунги давр талаби даражасида фаолият кўрсатаётганлиги бундан мустасно эмас. Яратилаётган имкониятлар доирасида аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўриклардан ўтказиш, айниқса, бирламчи бўғинда иш олиб бораётган шифокор ва ҳамшираларнинг оилаларга чуқур кириб бориши тизим олдида турган

вазифалар самарали кечишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Мана бир неча йилдирки, зарарсизлантириш бўлимида меҳнат қиламан. Албатта, ушбу бўлимда ишлаш соҳа мутахассисидан катта масъулият ва хушёрлик талаб этади. Маълумки, бўлимларда ишлатиладиган тиббий асбоб-ускуналар меъёр даражасида зарарсизлантирилса, шифохона ичи инфекциясига йўл қўйилмайди. Бу жараёнда асосан автоклав аппарати муҳим роль ўйнайди. Тиббиётимизнинг кун сайин равнақ топиб бораётганлиги ва замонавий аппаратларнинг ишлатилиши биз мутахассислар ишини



енгиллаштирмоқда. Олдинги автоклавларга қараганда жорий йилда “Саломатлик-3” лойиҳаси томонидан берилган янги автоклавлар ишлатилган тиббий асбоб-ускуналарни 65 дақиқада зарарсизлантиради. Бундай замонавий, тезкор ва сифатли тиббиёт аппаратларида ишлаш даврнинг энг муҳим талабларидан бирига айланмоқда. Буларнинг барчасини ҳисобга олган шифохонамиз раҳбарияти малакамизни ошириш ва фаолият юритишимизда зарурий шароитларни яратиб бермоқда. Шу жумладан, мен ҳам бу борада ўз малакамни ошириб, зарарсизлантириш бўлимидаги асосий қоидаларга риоя қилган ҳолда фаолият юритяпман. Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимига шу қадар эътибор қаратилаётган экан, биз тиббиёт ходимлари ҳам шунга жавобан сидқидилдан ишлаб, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда ўз ҳиссамизни қўшишимиз зарур деб биламан.

Фахр

ХАЛҚ БИЛАН ҲАМНАФАС ИШЛАШ БАХТИ



Насиба РАҲМОНОВА,
Наманган вилояти,
Янгиқўрғон туман
“Хуррият” КВП мудири,
“Шухрат” медали соҳибаси:

– Тизимнинг бирламчи бўғинига бўлган эътибор туфайли аҳоли орасида касалликларнинг олдини олишга эришилмоқда. Тумандан анча олис бўлган “Хуррият” қишлоқ врачлик пункти ҳудудида 5177 нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларга 2 нафар умумий амалиёт шифокори ҳамда 12 нафар ҳамшира тиббий хизмат кўрсатади. КВПмиз учинчи типдаги бўлиб, “Саломатлик-1-2” лойиҳалари томонидан тиббий асбоб-ускуналар ва жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган. Айни пайтда берилган барча тиббий асбоб-ускуналар ишлаб турибди. Аҳоли орасида асосан профилактика ишлари-

ни кучайтирганмиз. Шу боис, касалликларнинг олди олиниб, 2-3 йил давомида ижтимоий, мавсумий ва юқумли касаллик кўрсаткичлари кескин камайди. Айниқса, аънагага айланиб бораётган чуқурлаштирилган тиббий кўриклар аҳоли саломатлигини сақлашда асосий ўрин эгалламоқда. Шунга асосан, қишлоқ врачлик пунктимиз ҳамда туман тиббиёт бирлашмаси ҳамкорлигида тўртта бригада тузилган. Улар билан биргаликда тор мутахассисликлар (стоматолог, травматолог, офтальмолог, хирург, эндокринолог) ҳам иштирок этиб келмоқда. “Соғлом бола йили” Давлат дастури бўйича болалар саломатлигини назорат қилиш бўйича ҳам муайян ишлар олиб борилмоқда. Таҳлилий натижаларни кўриб чиққанмизда болаларимизда жисмоний ривожланиш меъёрий даражада эканлиги,

шу билан бирга, улар орасида юқумли ва мавсумий касалликлар кўрсаткичи камайганлиги, етти йил давомида болалар ўлими кузатилмаганлиги, бу албатта кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда олиб борган ишларимизнинг самарасидир. Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги арафасида давтарона меҳнатларимни инobatга олган Юртбошимиз мени “Шухрат” медали билан тақдирладилар. Мен бундай юксак ишончдан янада руҳланиб, бундан кейин ҳам халқим саломатлиги йўлида астойдил хизмат қиламан. Шу ўринда, меҳнатимизни қўллаб-қувватлаётган ва ишлашимиз учун кенг имкониятлар яратётган давлатимиз раҳбарига самимий миннатдорлигимни билдириб қоламан.

(Давоми 8-бетда).

КОМПЬЮТЕРИЗИРОВАННЫЙ ИНСТРУМЕНТ ВОЗ ПО МЕНЕДЖМЕНТУ ПРОГРАММ ОХРАНЫ ЗДОРОВЬЯ МАТЕРЕЙ И ДЕТЕЙ

Несмотря на то, что уже существуют простые и эффективные меры для сокращения материнской и детской смертности, они зачастую не достигают целевой аудитории, которая больше всего в них нуждается.

Тщательно спланированные и управляемые программы с большей вероятностью будут способствовать улучшению охвата такими мероприятиями и, таким образом, обеспечат прогресс в достижении Целей развития тысячелетия 4 и 5. Многие руководители здравоохранения в области охраны здоровья матерей, новорожденных, детей и подростков (ОЗМНДИП) проходили подготовку в сфере медицины или медсестринского дела, но никогда не обучались управлению

программами. Как правило, предполагается, что они овладеют необходимыми навыками на практике, хотя этого часто не происходит. По этой причине обучение основным концепциям и навыкам управления имеет большое значение.

В рамках проекта СУОМИД-фаза II Всемирная организация здравоохранения оказывает техническую поддержку по укреплению системы здравоохранения на национальном уровне и в двух пилотных регионах – Наманганской области и Республи-

ке Каракалпакстан. Одна из задач данного проекта направлена на усиление управленческих навыков руководителей здравоохранения по охране здоровья матерей и детей. Именно руководители программ ответственны за воплощение в жизнь видения охраны материнства и детства, сформулированного специалистами по планированию мероприятий здравоохранения на национальном уровне, в стратегических планах на местном уровне.

С этой целью запланировано внедрение компьютеризированного инструмента ВОЗ по менеджменту программ охраны здоровья матерей и детей. Этот инст-

румент предназначен в первую очередь для руководителей здравоохранения и программ ОЗМиР всех уровней, и в особенности, областного и районного. Многие составные элементы пакета учебных материалов также актуальны и для руководителей национального уровня.

Инструмент разработан для использования в различных учебных ситуациях – во время обучения в группе или для отдельного процесса самообучения, а также в качестве справочной системы или для тестирования.

Данный 4-дневный семинар по подготовке специалистов в области менеджмента про-

грамм, обученных по новому инструменту ВОЗ, является первой в мире апробацией данного инструмента. Семинар проходил 14-17 октября в г. Ташкенте с участием д-ра Айгуль Куттумуратовой, менеджера программ здоровья детей и подростков Регионального бюро ВОЗ, д-ра Маурицио Бучага, эксперта штаб-квартиры ВОЗ и профессора Олены Старец, консультанта ВОЗ. Рекомендации участников семинара в Ташкенте помогут усовершенствовать материалы компьютеризированного курса, которые затем будут доступны для использования руководителями программ во всех странах мира.



БИЛИМ ВА ТАЖРИБА УЙҒУНЛИГИ



Аъзам ЯРКИНБАЕВ,
Наманган вилояти,
Янгиқўрғон туман кўп
тармоқли марказий
поликлиникаси
УТД врачлари:

– 2014 йилнинг февраль ойидан бошлаб поликлиникамизга “Саломатлик-3” лойиҳаси томонидан янги русумдаги ультратовуш диагностикаси (УТД) аппарати берилди. Мазкур аппарат ўзининг кенг имкониятлари билан, яъни аҳоли орасида касалликларни эрта аниқлаш, тўғри ташхис қўйишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Унда ҳомиладорлик даврида ҳомиланинг ривожланиш жараёни, организмдаги барча аъзолар ҳолати ҳамда қалқонсимон безлар, шунингдек, умумий текширувлар олиб борилади. Ушбу аппарат ёрдамида бир кунда 35 нафардан зиёд фуқаролар саломатлигини текшириш мўлжалланган. Албатта, поликлиникамиз ва шифохонамизда нафақат бу янги аппарат, балки олдиндан келтирилган УТД аппаратлари ҳам аҳоли хизматида. Айниқса, кейинги йилларда Ўзбеки-

стон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда туман тиббиёт бирлашмаси ҳамкорлигидаги чуқурлаштирилган тиббий кўрикларда барча УТД аппаратларидан фойдаланиш янада қўл келмоқда. Ана шундай тиббий кўрик жараёнида

сўнги пайтларда аҳолининг тиббий кўрикларга ишончи ортиб, УТД аппаратларига мурожаатлари кўпайган. Бу албатта, уларнинг ўз саломатликларига берадиган қарамаётганликларидан далolat беради. Давлатимиз томонидан бирламчи тиббий хизматга қаратилаётган эътибор ту-



рида оғир аҳволда ётган беморларни хонадонларига бориб, уларни УТД аппаратларида текширувдан ўтказиб келмоқдамиз. Шу ўринда айтишим муҳимки,

файли аҳоли орасида бирламчи касалликларни аниқлаш, олдини олиш, аниқланган ташхис бўйича даво муолажалари ўз вақтида олиб борилаётганлиги ҳасталик кўрсаткичлари камайишига олиб келмоқда. Тиббий хизмат сифати ошишида замонавий аппаратларнинг ўрни алоҳида бўлаётганлигини ҳам эътироф этиш керак. Шундай экан, ушбу аппаратларни асраб-авайлаш соҳа мутахассисларидан билим, тажриба ва масъулият талаб этади. Халқимиз саломатлиги ҳамда соҳа мутахассисларининг мукамал ишлай олишлари учун барча шароитларни яратётган Юртбошимиз ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигига ўзимизнинг чексиз миннатдорлигимизни билдираемиз.

Ҳабибулла ХЎЖАМБЕРДИЕВ,
Янгиқўрғон тумани Бирлашган қишлоқ
фуқаролар йиғини фуқароси:

– Жигар ва буйрақларимни текширувдан ўтказиш учун шифокор Аъзам Яркинбаев хузурига келдим. Тажрибали УТД шифокори жигар ва буйрақларимни текшириб кўргач, танамда кучли шамоллаш туфайли оғриқлар бўлаётганлигини ва терапевт ҳамда уролог мутахассисларга мурожаат этишимни тавсия қилди. Малакали мутахассислардан керакли даво муолажаларини олгач, танамдаги оғриқлар безовта қилмай қўйди. Вақтида саломатлигимизга эътибор қаратиб, ана шундай катта имкониятга эга аппаратлардан фойдаланишимиз муҳим деб биламан. Саломатлигимни тиклашда ўз ёрдамларини аямаган барча шифокорларга ташаккур билдираман.

(Давоми. Боши 7-бетда).



Хулоса ўрнида айтиш жоизки, Наманган вилоятининг Мингбулоқ ва Янгиқўрғон туман тиббиёт бирлашмаларида бўлар эканми, босқичма-босқич амалга оширилаётган тиббиёт ислохотларининг муваффақиятли натижаларини кўриб, соғлиқни сақлаш тизимидаги ишлар изчиллик билан олиб борилаётганлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда “Саломатлик-3” лойиҳаси ҳамкорлигидаги фаолиятлар ҳам яққол кўзга ташланди. Хизмат сафаримиз аввалида Наманган вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Солижон Мўминов билан суҳбатда бўлганимизда, вилоятда амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар замирида инсон саломатлиги ва унинг манфаатлари ётганлиги ҳамда Президентимиз томонидан соҳага оид чиқарилаётган Фармон ва Қарорларнинг халқимиз турмуш фаровонлиги учун нечоғлик муҳим эканлигини айтиб, бу борада ҳамжихатликда ишлаш зарурлигини таъкидлади. Ҳа, ҳақиқатдан ҳам равнақ топиб келаётган жамиятимизнинг янада гуллаб-яшнашида ҳар биримизнинг ўз ишимизга масъулият билан ёндошимиз даврнинг муҳим талабига айланмоқда

«Саломатлик-3» лойиҳасини татбиқ этиш
марказий бюроси.

Ижрочи директор Ж. ЖАБРИЕВ.
100007, Тошкент шаҳри, Паркент кўчаси, 51,
Тошкент врачлар малакасини
ошириш институти, 3-қават.
Телефонлар: 268-08-19, 267-73-47.
268-25-39 (факс). E-mail:office@jpib.uz
Лойиҳа материалларини
Ибодат СОАТОВА тайёрлади.
Муаллиф олган суратлар.

Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир Асилбек ХУДАЯРОВ
Нашр учун масъул
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «i» шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри,
Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот
агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни
рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Адади 5366 нусха.
Буюртма Г-1058.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚЎШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

